

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-декабрь ойларида Фарғона вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 36 538,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг тегишли даврига нисбатан 3,0 %га ўсди.

2020 йилнинг январь-декабрь якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 9 651,1 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 1,1 %га ўсди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Фарғона вилоятининг қўшган ҳиссаси 6,3 %ни ташкил этди.


Ялпи ҳудудий маҳсулот

	млрд.сўм		2019 йил январь-декабрь ойига нисбатан, % ҳисобида
	2019 йил	2020 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	31 818,4	36 538,9	103,0
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	30 105,5	35 244,2	103,0
Маҳсулотларга соф солиқлар	1 712,9	1 294,7	102,7
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	30 105,5	35 244,2	103,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	10 896,7	12 583,8	104,7
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	8 259,2	10 215,9	102,9
саноат	6 426,3	7 986,0	101,7
қурилиш	1 832,9	2 229,9	107,2
Хизматлар	10 949,6	12 444,5	101,4
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2 439,7	2 807,7	101,0
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	1 923,7	2 132,1	101,8
бошқа хизмат тармоқлари	6 586,2	7 504,7	101,4

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариши фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариши усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.

Ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 104,7 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 35,7 %), саноат – 101,7 % (22,7 %), қурилиш – 107,2 % (6,3 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 101,0 % (8,0 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 101,8 % (6,0 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 101,4 % (21,3 %) ни ташкил этди.

2020 йилнинг январь-декабрида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




Иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 103,0 %ни, маҳсулотларга соф солиқлар эса 2,7 %ни ташкил этди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 4,7 % пунктга ўсди ва ҳисобот йилида 35,7 %ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 2,9 % пунктга ўсди ва 29,0 %ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2020 йилнинг январь-декабрида 35,3 %ни ташкил этди ва 2019 йил (36,4 %) билан таққосланганда 1,1 % пунктга камайди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
(январь–декабрь ҳолатига, жамига нисбатан %да)




Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 8,0 %ни (2019 й. – 8,1 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 6,0 %ни (6,4 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 21,3 %ни (21,9 %) ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(январь-декабрь, жамига нисбатан %да)




Жорий йилнинг январь-декабрь ойлари давомида дастлабки маълумотларга кўра ялпи ҳудудий маҳсулот аҳоли жон бошига 9 651,1 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг (8 558,6 минг сўм) мос даврига нисбатан 1,1 %га ўсди. Шу билан бирга вилоятда йирик корхоналар иқтисодий фаолияти жадаллаши оқибатида ЯҲМда кичик бизнес улуши 67,9 %ни ташкил қилди.

ЯХМда кичик бизнеснинг улуши
(январь-декабрь ойлари, жамига нисбатан %да)



**2020 йилнинг январь-декабрида ЯХМ нинг
дефлятор индекси бўйича ўсиш суръатлари**



Иқтисодий фаолият турлари